O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 18 декабрь, № 244 (4907) Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 декабрь
№ ЎРҚ—234

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 декабрь
№ ЎРҚ—235

# ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР

### аҳолига қулайлик яратиш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга



***Истиқлол йилларида мамлакатимизда телекоммуникация тизимини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида юртдошларимизнинг сифатли алоқа хизматидан баҳраманд бўлишлари учун кенг имконият яратилмоқда.***

**Ислоҳот**

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишлар, айниқса, кейинги йилларда янги босқичга кўтарилаётир. Натижада жойларда замонавий алоқа станциялари ташкил этилиб, энг чекка қишлоқ ва овулларга ҳам сифатли коммуникация хизмати кириб борди. Буни Нукус шаҳридаги 222-алоқа станциясининг фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Негаки, мазкур станция энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган 40 нафар ишчи ходим 10 мингта абонентга хизмат кўрсатмоқда. Эътиборлиси, станцияларнинг шиша толали кабеллар орқали боғлангани ҳамда тизимнинг компьютерлар ёрдамида бошқарилаётгани алоқа сифатининг тубдан яхшиланишига асос бўлаяпти.

Умуман, Қорақалпоғистон Республикасида Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Миллий дастурига биноан, жорий йилда Амударё, Чимбой, Қонликўл, Қораўзак ва Тахтакўпир туманларида 13 мингдан зиёд аҳоли юқори сифатли алоқа хизмати билан таъминланди. Шунингдек, яқинда Шуманай ва Мўйноқ туманларида ҳам 3,9 километр узунликда шиша толали кабель ётқизилди.

**СУРАТДА:** етакчи муҳандис Пайима Узоқова ва оператор Тойдиқ Узоқова.

**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.**

**САЙЛОВ — 2009**

***Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.***

2-саҳифага қаранг.

# ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ ҚИШЛОҚДАГИ ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ МОЛИЯВИЙ ОМИЛИДИР

***17 декабрда Фарғона вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг, шунингдек, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилояти қишлоқ туманларида ижро этилишини ўрганиш натижаларининг муҳокамасига бағишланган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган, 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида таъкидланганидек, қишлоқда аҳолининг ҳаёт сифатини ва қишлоқ қиёфасини тубдан яхшилашга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга доир ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда одамларни иш билан таъминлашнинг муҳим омили сифатида уларни қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш зарурдир.

Бу борада иқтисодиётни модернизация қилиш ва янада либераллаштириш шароитида истеъмол бозорини тартибга солишнинг ижтимоий-сиёсий йўналишдаги замонавий шакл ва усулларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Сўзга чиққанлар қишлоқ жойларнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол бозорини кредит билан рағбатлантиришнинг роли кучайганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилиши натижасида банк ва бошқа кредит муассасалари субъектлари томонидан ажратилган истеъмол кредити ресурслари ҳажми 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 4,3 баравар ўсган, жорий йилнинг 8 ойи мобайнида эса 2008 йилга нисбатан ўсиш 54,4 фоизни ташкил этган.

Шу билан бирга, истеъмол кредити ҳажмлари ўсган бўлишига қарамай, вилоятда ажратилган кредит ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти, товар кредити билан шуғулланувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари мавжуд эмас, қишлоқда савдо ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси етарли ривожланмаганлиги, реклама ҳамда тушунтириш ишлари мукаммал эмаслиги туфайли истеъмол кредити турлари аксарият ҳолларда фақат маиший товарлар сотиб олиш учун бериладиган кредитлар билан чекланиб қолмоқда.

Муҳокама асносида қўшма мажлис иштирокчилари чакана савдо корхоналарини, айниқса, қишлоқлар, бориш қийин бўлган ва тоғли туманларни истеъмол товарлари билан барқарор таъминлаш, маҳаллий корхоналар билан мустаҳкам савдо алоқаларини ўрнатиш ва истеъмол товарлари (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш учун буюртмалар бериш, истеъмол бозорининг маркетинг тадқиқотини юритиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида истеъмол бозори инфратузилмаси объектларининг самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Қўшма мажлисда молиявий-иқтисодий ресурсларнинг самарадорлигини ошириш ва улардан мақсадли фойдаланиш, бозорга хилма-хил истеъмол товарлари (ишлар ва хизматлар) етказиб берадиган корхоналарни, шунингдек, бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда бу ресурсларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш учун истеъмол кредити муносабатлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини назорат қилишни кучайтиришга доир таклифлар берилди.

Бундан ташқари, сенаторлар истеъмол кредити тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларининг амалдаги нормаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишни мониторинг қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишлар олиб бориш, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг истеъмол эҳтиёжларини кредитлашнинг таъсирчан механизмини яратишда кредит муассасаларининг давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Қўшма мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутатлари ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

2009 йил 17 декабрдаги
ЎРҚ—235-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низом

1. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун мукофотланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахсга белгиланган намунадаги тегишли ҳужжат топширилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғаси оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи ва бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғаси мукофотланганнинг оиласига топширилади.

2009 йил 17 декабрдаги
ЎРҚ—235-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифи

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи белгиланган намунадаги Фахрий ёрлиқнинг жилдга солинган бланкасидан иборат.

Жилд яшил мармар рангли «бувинил» материалидан тайёрланган, қаттиқ ҳажмдор муқовали, мураккаб коленкор билан қопланган. Жилд бичими 252,5х340 миллиметр.

Жилднинг юз томони қалинлиги 6 миллиметрли, ўлчами 225х310 миллиметрли, «қуруқ блинт» усулида босилган рамка кўринишидаги нақш билан безатилган. Ич томони эса ўлчами 208х292 миллиметрли, зарвараққа «иссиқ блинт» усулида босилган бурчакдор нақшли рамкадан иборат.

Саҳифанинг юқори чеккасидан 63 миллиметр масофада, горизонтал бўйича марказда диаметри 40 миллиметрли, уч хил (оқ, мовий, яшил) рангли эмаль ва лок қопланган, тиллаҳал югуртирилган мис қотишмасидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлашган. Герб атрофига диаметри 53 миллиметрли ботиқ қуруқ доира туширилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербидан 38 миллиметр пастда, марказда, зарвараққа ботиқ қиздирма тамға усулида туширилган матн икки сатрда жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Respublikasining» (бош ҳарфларда, «Vivaldi» шрифти, 46-кегль), иккинчи сатрда «Faxriy yorlig'i» (бош ҳарфларда, «Vivaldi» шрифти, 84-кегль) сўзлари ёзилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи бланкаси 250 г/кв.м. қалинликдаги жилосиз силлиқ қоғоздан тайёрланади. Бланка бичими 330х496 миллиметр, букилганда эса 330х248 миллиметр, матн бир томонга босилади. Фон жозибадор очсарғиш, пастель тусда.

Қўш саҳифанинг ич тарафи бронза пастада босилган, бурчакларида безак элементлари бўлган ўлчами 295х470 миллиметрли рамка билан безатилган.

Қўш саҳифанинг ички чап тарафида, горизонтал бўйича марказда, юқори чеккадан 38 миллиметр масофада диаметри 40 миллиметрли рангли Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Гербнинг чап ва ўнг томонларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бир хилда ҳилпираб турган тарзда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг пастки қисмидан 18 миллиметр масофада, саҳифа марказида бронза ранг матн икки сатрда жойлашган. Биринчи сатрда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 27-кегль), иккинчи сатрда «FAXRIY YORLIG'I» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 45-кегль) сўзлари ёзилган.

Чап саҳифанинг пастки чеккасидан 24 миллиметр масофада, шоҳсупада, Хумо қуши ва қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонида ўрнатилган Эзгулик аркасининг бир қисми — ер шари узра парвоз қилаётган, бунёдкорлик ва тинчлик рамзи бўлган лайлаклар акс эттирилган.

Ўнг саҳифада горизонтал бўйича марказда, юқори чеккадан 31 миллиметр масофада 40х57 миллиметр ўлчамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг штандарти тасвирланган. Штандартнинг чап ва ўнг томонларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бир хилда ҳилпираб турган тарзда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти штандартининг пастки чеккасидан 11 миллиметр масофада Хумо қуши ва қуёш нурлари фонида тўқ зангори рангда «Vatanimiz taraqqiyotiga qo'shgan samarali hissasi hamda ijtimoiy-siyosiy hayotdagi faol ishtiroki uchun» матни уч сатрда жойлашган («Times TAD» шрифти, 24-кегль). Ушбу Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда ҳар бир алоҳида ҳолат учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармонга мувофиқ бўлган матндан фойдаланилади.

Матннинг пастки сатридан 29 миллиметр масофада, мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 16 миллиметрли иккита чизиқ тортилган.

Пастки чизиқдан 19 миллиметр масофада, вертикал бўйича марказда матн уч сатрда жойлашган. Биринчи сатрда тўқ зангори рангда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 26-кегль), иккинчи сатрда бронза-паста рангда «FAXRIY YORLIG'I» (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 40-кегль), учинчи сатрда тўқ зангори рангда «BILAN MUKOFOTLANDI» (катта ҳарфларда, «Times TAD» шрифти, 24-кегль) сўзлари ёзилган.

Саҳифанинг пастки чеккасидан 55 миллиметр масофада, чап томонда тўқ зангори рангда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI» матни икки сатрда жойлашган, ўнг томонда, симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Президентининг исми биринчи ҳарфи ва фамилияси жойлашган (катта ҳарфларда, «Academy» шрифти, 12-кегль).

Саҳифанинг пастки чеккасидан 40 миллиметр масофада мукофотлаш санасини ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг тартиб рақамини қайд этиш учун иккита чизиқ тортилган.

***Истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди, амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли улкан натижаларга эришилди. Халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси инобатга олинган, бутун дунёда “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилган тараққиёт йўли ўзини тўла оқламоқда.***

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ФАОЛИЯТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида бу борадаги ютуқ ва натижалар, улкан бунёдкорлик ишларининг моҳияти ва аҳамияти ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди.

Унда халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, яқинлашиб келаётган сайловлар жараёни билан боғлиқ тамойил ва мезонларнинг мазмун-моҳияти, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканига алоҳида эътибор қаратилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган фаолият, хусусан, қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилаш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ ишлар келгуси йилларда ҳам давом эттирилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йилга муайян ном беришдек хайрли анъанани давом эттириб, кириб келаётган янги йилни «Баркамол авлод йили» дея эълон қилар эканлар, ислоҳотларни янада жадал давом эттириш масалаларига алоҳида тўхталиб, жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифаларни белгилаб бердилар.

Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва уларнинг ечимлари кўрсатиб берилган мазкур маъруза Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолияти учун дастуриламал эканлиги шубҳасиз. Бугунги кунда партиямиз ана шу маърузада кўрсатилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ўз вазифаларини белгилаб олди.

Бу вазифалар орасида O`zLiDeP учун асосий электорат бўлган тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгаларидан иборат бўлган қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутади.

Ана шу мақсадларга эришиш йўлида партиямиз бор куч ва барча имкониятларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда ғолиб чиқишга қаратади. Бу масалада O`zLiDeP ўз олдига қўйилган мақсадларга бошқа баъзи бир партиялар каби қуруқ шиорлар билан эмас, балки амалий ишлар, биринчи навбатда, мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳамда фермерлар манфаатларини ифодалайдиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришишга интилади.

Партиямизнинг иқтисодий йўналишдаги фаолияти бошқа партиялардан, хусусан, Халқ демократик партиясининг ушбу масалага ёндашувидан фарқ қилади.

Аввало, бизнинг партия бозор муносабатлари асосини кўп укладли иқтисодиёт ташкил этиши, бунда хусусий мулк етакчи роль ўйнаши лозим, хусусий мулк дахлсиз, дея ҳисоблайди ва ўзининг кундалик фаолиятида ушбу конституциявий тамойилни ҳимоя қилади ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик ташаббуси бозор иқтисодиёти ривожланишининг бош омили, тадбиркорлик эркинлиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши асоси бўлгани учун ҳам партиямиз тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам унга қатъиян риоя қилиниши керак, деган ғояга амал қилади.

ХДП эса, асосан, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ғояларни илгари суради. Аммо ушбу партиянинг дастур ва ҳужжатларида бу масалани қандай ҳал қилиш, нима ҳисобига ечиш тўғрисида аниқ таклифлар кўзга ташланмайди.

Бундан ташқари, ХДП вакиллари давлат органлари фаолиятини қаттиқ назорат остида ушлаб туриш лозим деган тамойилни ҳимоя қиладилар. Аммо бу борада давлат бошқаруви ва унинг фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштириш масалалари унутилади. Бу эса оқсоқол партиянинг ўтмиш тамойилларини ҳали-ҳамон унута олмаётганидан далолат беради.

Бошқа партияларнинг сайловолди дастурида эълон қилинаётган устувор йўналишлар орасида ҳам бизнинг партиямиз келиша олмайдиган қарашлар йўқ эмас. Хусусан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз сайловолди дастурида кўплаб йўналишлар билан бирга миллий тадбиркорликка асосий аҳамият қаратишини эълон қилмоқда. Бу мазкур соҳага жаҳондаги илғор тажрибаларни жорий этиш, юксак технологияларнинг ютуқларидан фойдаланиш имкониятидан четда қолиш хавфини туғдирмайдими? Фақат миллий биқиқлик, ўз қобиғига ўралиб қолиш ҳеч қачон юқори самара бермаслигини наҳотки «Миллий тикланиш» партиясининг назариётчилари яхши тушунмасалар?

Худди шунингдек, улар илм-фан ва адабиёт соҳасида миллий мактабларни тиклаш ва ривожлантириш лозим, деган фикрни баён қилмоқдалар. Хўш, «миллий тикланиш»чилар бу мақсадни қандай амалга оширмоқчилар? Ниманинг ҳисобидан миллий мактабларни тиклаш мумкинлигини нега эсдан чиқармоқдалар? Ахир, бир томондан, тадбиркорлик, ишбилармонлик, иккинчи томондан эса, илм-фанни тараққий эттириш, бунда миллий анъаналарни тиклаш ва янада такомиллаштиришга давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку. Наҳотки, давлат томонидан катта эътибор берилаётган бу соҳадаги ютуқларни ўзиники қилиб кўрсатиш шунчалик осон ва жозибали бўлса?!

«Адолат» социал-демократик партияси қарашларида ҳам баъзи ихтилофли масалалар мавжуд. Жумладан, ушбу партия вакиллари халқ хўжалигига инвестициялар киритиш, миллий инновацион тизимни шакллантиришга доир ишларни рағбатлантириш тўғрисида ваъдалар бермоқдалар. Хўш, бу инвестицияларни «адолат»чилар нима ҳисобидан киритмоқчилар? Аслида бу борада ҳукуматимиз кўпдан-кўп чора-тадбирларни кўраётган бугунги кунда мазкур партия номзодларининг ваъда беришдан муддаолари нима? Ахир бугунги сайловчи кимнинг кимлигини, қайси партиянинг аниқ режаларга эга эканини яхши билади-ку.

Худди шундай миллий инновацион тизимни шакллантириш тўғрисидаги чиройли ваъдаларнинг ҳам таги пуч эканини яхши биламиз. Ҳозиргача бу соҳада бирор-бир ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳани яратмаган ва амалиётга татбиқ эта олмаган партия бундан кейин нима қила олиши мумкин? Миллий инновацион тизимни шакллантириш эса илм-фан ютуқлари ва юксак технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг аниқ ва узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган давлат дастурларини бажариш орқали амалга оширилиши шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан олганда, O`zLiDeP бошқа партиялардан фарқли равишда, бундан буён ҳам қуруқ ваъдалар билан эмас, балки тадбиркорлар, фермерлар, мулкдорлар ва ўз электоратининг бошқа вакиллари манфаатларини аниқ ва самарали дастурлар асосидаги фаолияти орқали ҳимоя қилишни давом эттираверади.

Бу масалада партиямиз ўз электоратининг манфаатини ҳимоя қилишга асос бўладиган қонунчилик базаси ҳамда механизмини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини кучайтиришга қаратилган ишларни давом эттиришини англатади.

Маълумки, ўрта синф вакиллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши уларнинг салоҳият ва имкониятлари тўла рўёбга чиқишига ёрдам беради, бу эса иқтисодиётнинг ўсиши ва мамлакат фуқаролари турмуш фаровонлигининг янада юксалишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, партиямиз иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, бозор ислоҳотлари йўлига ҳалақит бераётган тўсиқ ва ғовлар, иқтисодиёт соҳасидаги салбий ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини муттасил тарзда амалга оширишга ҳаракат қилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик ва бизнеснинг кенг қанот ёйиши, сармояларнинг марказлашуви жараёнлари ривожланиши баробарида партия учун бозорларни монополлаштиришнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини ошириш учун зарур бўлган соғлом рақобат муҳитини сақлаб қолиш, аҳоли бандлиги, турмуш даражаси ва унинг яшаш тарзи сифатини таъминлаш вазифалари тобора долзарб аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, O`zLiDeP давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ўз депутатлари орқали молия ва банк тизими барқарорлигини кучайтиришга, бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг қабул қилинишига кўмаклашишни давом эттиради. Ушбу йўналишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қонунчилик асослари ва қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда тижорат банклари, бошқа молия институтлари фаолиятини изчил равишда кучайтириш орқали кредитлар билан таъминлаш, чакана савдо соҳасида нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмлари самарадорлигини таъминлаш ва банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Партия фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини етиштирувчилар ҳисобланадилар, жамиятда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда уларнинг ўрни тобора кучайиб бормоқда. Айнан фермерлар қишлоқлардаги турмуш сифатини белгилайдилар, туб ислоҳотлар, замонавий технологиялар ва инновацияларни амалга оширадилар.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, O`zLiDeP фермерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлашига эришишга интилади. Бу соҳада шартномада кўзда тутилган хом ашё, материаллар ва товарларни белгиланган муддатларда етказиб беришда, фермерлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобни амалга оширишда тайёрловчилар ва таъминотчиларнинг масъулиятини кучайтириш ҳамда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, партия нафақат экспортга маҳсулот етказиб беришни уюштиришда, балки етиштирилган ва қайта ишланган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштиришда рўй берадиган баъзи расмиятчилик ҳолатларига чек қўйиш борасидаги ишларини давом эттиради.

Бугунги кунда O`zLiDeP аъзолари 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Партиянинг ушбу жараёндаги фаол иштироки тадбиркорлик тузилмаларининг мавжуд захиралардан фойдаланишини янада кўпроқ рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда сифатини яхшилашга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, экспорт салоҳиятини ўстириш бўйича янги ташаббусларнинг илгари сурилишини кўзда тутади, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Партиянинг иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги вазифалари фақат ана шулар билан чекланмайди, албатта. Бу вазифалар орасида O`zLiDePнинг инқироздан кейинги даврда ўрта синф вакилларининг самарали фаолияти учун янада кенг имкониятлар яратадиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, хусусий секторнинг тараққиётига хизмат қиладиган чора-тадбирларни кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан ўрта синфни шакллантириш мамлакат ҳаёти ва ислоҳотларнинг истиқболи учун, юртимиздаги барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда тараққиётнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Шу маънода ҳам аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кўпроқ жалб этиш асосида ўрта синф — мулкдорлар қатлами вакиллари сафини кенгайтириш олдимизда турган энг муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан жойлардаги раҳбар кадрлар малакаси ва уларнинг ҳаётий позициясига боғлиқдир. Ана шуни назарда тутиб, партиямизнинг кадрлар сиёсатида нафақат вакиллик органлари, балки ижроия ҳокимият органларига ҳам ислоҳотлар моҳиятини чуқур англайдиган ҳамда ушбу мақсадларни жойларда ҳаётга татбиқ эта олиш салоҳиятига эга бўлган кадрларни тарбиялаш барчамизнинг масъулиятли вазифаларимиздан биридир.

**Нормурод МИРЗАЕВ,**
**O`zLiDeP фаоли.**

***Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ўтган беш йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеалар, тарихий ўзгаришлар, демократик янгиланишлар рўй берди. Демократик институтлар фаолияти такомиллашди, кучайди, фаоллиги, етуклик даражаси ошди. Бу борадаги ҳуқуқий асослар, қонуний базанинг тубдан такомиллашиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятини ҳам янада кучайтиришга катта таъсир кўрсатди.***

# БИЗ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШАМИЗ

2004 йил сайловлари олдидан партиямиз ўзининг дастурий йўналишлари, асосий вазифаларини янада аниқлаштириб олди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаттиқ бел боғлади.

Электоратимиз манфаатларини таъминлаш юзасидан амалий ишларни кучайтиришга қаратилган муҳим қадамларимиздан бири партия кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналарининг вужудга келгани бўлди. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз электорати манфаатларини нафақат парламент, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари орқали қонунчилик воситасида, балки амалий жиҳатдан, фаолларнинг бевосита ёрдами билан ҳам ҳимоя қилишга тайёр эканини англатар эди. Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр бу қадам жуда тўғри қўйилганини исботлади.

Бу тузилма орқали партия ташкилотлари ва электорат вакиллари ўртасида яқин мулоқот ўрнатишда яна бир муҳим восита юзага келди. Уларни қизиқтираётган муаммоларни аниқлаш, долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш маркази пайдо бўлди. Кўпчиликка тегишли ижтимоий масалаларни туман, шаҳар даражасида комплекс ҳал этиш юзасидан партия ташкилотларининг фаоллиги, ташаббускорлиги сезиларли даражада кучайди. Тушган мурожаатларни умумлаштириш орқали ҳудуддаги мавжуд ижтимоий масалалар, электоратни ташвишлантираётган муаммолар юзасидан партия ташкилотлари позициясини шакллантиришнинг муҳим институти вужудга келди. Электорат вакилларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ёрдамга муҳтож кишиларнинг ёнига кириб, улар билан ҳамнафас бўлиш, қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат даражасидаги ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларнинг жойларда ижро этилиши мониторингини юритиш борасида ташкилий тадбирлар, амалий ишлар реал маънода кучайди, кенгайди.

Кейинги йилларда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида катта тажриба тўпланди. Йирик бошланғич ташкилотларда, айрим маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам қабулхоналар очилгани партиянинг халқимиз орасига янада чуқурроқ кириб боришга интилиши кучлилигидан далолат беради. Айниқса, шу йил бошидан бошлаб минтақаларда кўчма қабулларни ташкил этиш кенг йўлга қўйилаётгани олис ҳудудларда яшаётган фуқаролар, электорат вакилларини қувонтирмоқда. Бу айрим муаммолар юзасидан қаерга мурожаат қилишни билмай юрган фуқароларга жуда маъқул тушмоқда.

Мурожаатлар орасида коммунал соҳа, иш билан таъминлаш, иш ҳақини ўз вақтида ололмаслик, моддий ёрдам, ер участкалари ажратиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа соҳаларга оид ижтимоий масалалар кўпчиликни ташкил этади.

Ижтимоий соҳадаги партиямиз илгари сураётган устуворликлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, қуйидаги масалалар хусусида тўхталиб ўтмоқчи эдик.

ЎзЛиДеП томонидан “ХДП ўзи нимага эришмоқчи?” деган саволни кўп эшитишга тўғри келади. Уларнинг айтишича, агар ҳозирда давлат бюджетининг шундоқ ҳам 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётган бўлса, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Аввало, шуни айтиш керакки, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Кучли ижтимоий ҳимоя “Ўзбек модели”нинг ўзига хос жиҳатидир. Бу, албатта, мутлақо ЎзЛиДеПнинг хизмати эмас. Биз доимо ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори бўлган эдик ва бўлиб қоламиз ҳам. ЎзХДП ижтимоий ҳимояни умуман кучайтириш эмас, балки унинг янада манзилли йўналтирилишини кучайтириш тарафдоридир.

Масалан, меҳнатга лаёқатли аҳолини энг самарали ҳимоялаш воситаси — уларни ишга жойлаштириш, деб ҳисоблаймиз. Бюджетдан молиялаштириш соҳасида эса, биз аввало ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағларни янада мақсадли сарфлашга эришмоқчимиз. Бу вазифаларни тўлалигича ҳал қилиш эса фақат бизгагина боғлиқ эмас. Масалан, бюджет маблағлари тўғри сарфланиши учун уларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш зарур.

Агар ЎзЛиДеП ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни зиммасига олишини билдирган бўлса, нима учун мазкур партия шу пайтгача парламентда энг катта депутатлик корпусига эга партия сифатидаги ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланмаяпти?

Ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз юритар экан, ХДП бу вазифалар давлат бюджетидан ҳал қилиниши кераклигини назарда тутмаганди. Биз ушбу масалаларда бизнеснинг масъулиятини ошириш тарафдоримиз.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг уй-жой-коммунал тизимни ислоҳ қилишга йўналтирилган қарорларида бош вазифалар қаторида ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш белгиланган эди. Бироқ ўзини давлат ва жамият ҳаётининг барча тарафларини либераллаштириш ғояси тарафдори деб билган ЎзЛиДеП дастурий ҳужжатларида мана шу ўта муҳим соҳада ишбилармон фаолликни жонлантириш борасида бирорта ҳам сўз айтилмаган. Шунингдек, мазкур жабҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Ички бозорни монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат учун шароитлар яратиш ҳақида эса қандайдир бир узоқ вазифа ҳақида гапиргандек сўз юритадики, уни миллий бизнес ривожлангани сари ҳал қилар эмишмиз! Бу масаланинг долзарблигини ҳис этмаслик, бизнингча, бу сиёсий жиҳатдан узоқни кўра олмаслик, демакдир.

Бундан ташқари, ЎзЛиДеП сайловолди дастурини ўрганиб чиққач, шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдикки, мазкур сиёсий ҳаракат ижтимоий соҳа, шу жумладан, соғлиқни сақлаш жабҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Партия раҳбарияти ўз чиқишларида ЎзЛиДеП соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунларни илгари суришини билдирмоқда ва айнан шу омил тиббий хизматлар сифатини оширишнинг бош йўналишига айланиши лозим, деб ҳисоблайди. ХДП соғлиқни сақлаш соҳасига бундай ёндашувни бир ёқлама ва аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳисобга олмайди, деб билади. Бизнинг партия айнан давлат соғлиқни сақлаш секторида хизмат кўрсатиш сифати оширилиши керак, деб ҳисоблайди.

Биз, Ўзбекистон ХДП хусусий тиббиётнинг ривожланиш йўналишларини эътиборга олган ҳолда, мазкур соҳадаги юқори сифатли, замонавий тиббий хизматлардан аҳолининг барча қатламлари фойдаланиш имкониятларига эга бўлишларини хоҳлардик. Шу боис биз соғлиқни сақлаш тизимида минимал давлат стандартларини киритишни ёқлаймизки, булар ўз навбатида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кафолатланган тиббий хизматлар рўйхатини белгилаб бериш имконини яратади.

Электорат манфаатлари ҳимояси ҳақида гап кетар экан, бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси партия Дастурида, Сайловолди платформасида белгиланган, депутатликка номзодларимизнинг 2004 йилги сайловолди учрашувларида сайловчилар томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратди.

Қонунчилик палатаси мажлислари муҳокамасига киритилган барча қонунлар лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар фракция йиғилишларида муҳокама қилиниб, улар бўйича фракциянинг позицияси ишлаб чиқилди. ХДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга қатор қонунлар лойиҳалари бўйича фракция аъзолари орасидан махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, фракциянинг таклифлари, айрим моддалар бўйича депутатларимизнинг муқобил лойиҳалари тайёрланди, бир қатор қонунлар лойиҳалари бўйича махсус ишчи гуруҳлари фракция таклифларини ишлаб чиқди, палата мажлисларида улар қатъият билан ҳимоя қилинди. Қабул қилинган кўпгина қонунларда биз билдирган фикрлар, киритган таклифлар ўз ифодасини топди.

Халқ демократик партияси фракцияси ўз фаолиятида ижтимоий соҳага йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижро этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат корхоналари, идора ва ташкилотлар масъул раҳбарларининг ахборотларини тинглаш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқдик.

Хусусан, фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг мажлисларида аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала юзасидан Ҳукуматнинг ахборотлари эшитилди. Муҳокамалар чоғида аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш ўта муҳим ҳаётий зарурат экани таъкидланди. Мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар киритилди. Фракция аъзолари ўзлари сайланган округлардаги ва жойлардаги аҳолини электр энергияси ҳамда табиий газ билан таъминлаш бўйича камчилик, муаммоларни Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Қонунчилик палатасига келган Ҳукумат аъзоларига расман билдирдилар. Қонунчилик палатасининг бошқа депутатлари ҳам мазкур соҳада ўз сайловчиларидан тушган саволларга ойдинлик киритиш, тегишли муаммоларни улар эътиборига ҳавола этиш имконига эга бўлди. Бу икки палатали парламент шароитида ушбу масала юзасидан илк маротаба Ҳукуматнинг депутатлар олдида ахборот бериши эди.

Энг муҳими, электоратимиз манфаатларини таъминлашга қаратилган ташаббусларимизнинг амалга ошаётгани, электоратимиз вакиллари эса буни чуқур ҳис қилиб, партиямиз тарафдорлари сафининг кенгаяётганидир. Партиямиз ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бундан кейин ҳам электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган ишларини изчил давом эттиради.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига партиямиздан билимли, катта ҳаётий ва сиёсий тажрибага, қонун ижодкорлиги салоҳиятига эга номзодлар кўрсатилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сайлов куни уларга овоз бериш орқали сиз ўз манфаатларингизни ишончли ҳимоя қилиб, ўзингиз ва фарзандларингиз келажаги учун муҳим қадам ташлаган бўласиз.

Биз электоратимиз манфаатларини таъминлаш учун сиёсий майдонда курашамиз. Ҳар қандай шароитда бу биз учун устувор вазифа бўлиб қолаверади.

**Қаҳҳор ИБРАГИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси.**

> «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».
>
> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси.

# БУ ЗАМИННИНГ ГИЁҲИ ҲАМ ШИФОБАХШ

Ўзбекистонимиз табиати нафақат ўзининг гўзаллиги, балки бағрида кўплаб шифобахш гиёҳларни жо қилгани билан ҳаммани ўзига мафтун этиб келмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда 4500 дан ортиқ ёввойи ўсимлик тури мавжуд бўлса, уларнинг аксарияти дориворлиги билан ажралиб туради. Бироқ дори ҳам меъёрида ва керак пайтда қўлланилса, шифо бўлганидек, гиёҳлар белгиланган талаблар асосида ўз вақтида йиғиштириб олинса, дориворлик хусусиятини сақлаб қолади.

Республикамизда шифобахш ўсимликларни аниқлаш, уларни йиғиштириб олиш билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли "Шифобахш" илмий ишлаб чиқариш маркази шуғулланади. Ушбу жамоа томонидан йилига ўртача 400 тоннадан ортиқ 33 турдаги доривор гиёҳлар фармацевтика ва озиқ-овқат саноати корхоналарига етказиб берилмоқда.

Марказ мутахассислари доривор ўсимликларни табиат бағридан йиғиб-териб олиш билан чекланиб қолмасдан, аниқланган шифобахш гиёҳларни маданий равишда ўстиришга эътиборни кучайтиргани, айниқса, қувонарлидир. Дастлабки йилларда икки турдаги ўсимлик бу усулда етиштирилган бўлса, бугунги кунда улар 24 тадан ошиб кетди.

— Марказимиз томонидан 2010 йилгача бўлган даврда аниқланган доривор ўсимликларни маданийлаштириш бўйича махсус режа ишлаб чиқилган, — дейди марказ бош директори ўринбосари Учқун Идрисхўжаев. — Унга асосан, табиатда ўсадиган яна 10 га яқин турдаги ўсимлик маданийлаштирилади. Бу доривор ўсимликларнинг табиий ҳудудларини сақлаб қолиш билан бирга, истеъмолчиларнинг ушбу турга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётгани диққатга сазовордир. Бунда олтита хўжа-

**Жараён**

лигимиз муҳим роль ўйнаётганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда наъматак, далачой, тоғ райҳони, қалампир, ялпиз, тирноқгул, арслонқулоқ, ширинмия, маккаисано, қизил дўлана, жағ-жағ каби ўсимликлар кенг майдонларда етиштирилмоқда. Айниқса, 2002 йилда "Қизил китоб"га киритилган анзур пиёзининг маданийлаштирилгани муҳим воқеа бўлди, дейиш мумкин. Ноёблашиб кетган мазкур турни Қашқадарё ва Сурхондарё ўрмон хўжаликларида кўпайтиришга эришилди. Натижада у 2007 йилга келиб, "Қизил китоб" рўйхатидан чиқарилди.

— Анзур пиёзи инсон саломатлигини, хусусан, қувватни ошириш, иммунитетни яхшилаш хусусиятига эга, — дейди суҳбатдошимиз. — Шу боис унга бўлган талаб ҳар доим юқори. Шуни инобатга олиб, марказ томонидан анзур пиёзи сингари бир қатор ўсимликлар, яъни наъматак, маврак барги, мойчечак, далачой, андиз илдизи, тирноқгул, макка попуги, пол-пола саноатлашган усулда қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Янги йилда улар сафига яна 3 хил маҳсулот қўшилади. Булар дўлана, тоғ райҳони ва гиёҳлар аралашмасидир.

Таъкидлаш керакки, серқуёш заминимизда ўсадиган бундай гиёҳларга хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Айни пайтда Россия ва Украина доришунослари билан хом ашё экспорти бўйича келишувлар олиб борилаяпти. Халқаро ҳамкорликлар юртимиз табиатига хос бўлмаган ўсимликларни олиб келиш ва уларни кўпайтиришга хизмат қилаётгани ҳам эътиборга моликдир. Масалан, ҳозирда Россиядан олиб келинган "Валериана" ва эхинацея, Ҳиндистон, Малайзия ва Индонезияда ўсувчи пол-пола, Саудия Арабистонидан келтирилган маккаисано каби доривор ўсимликлар маданий ҳолда ўстирилиб, фармацевтика корхоналарига керакли миқдорда етказиб берилаяпти.

Жорий йилда 100 гектар майдонда зироатчилик қилган марказ жамоаси бугунга қадар қарийб 300 тонна доривор ўсимлик тайёрлади. Уларнинг 12 тури қадоқланган ҳолда дорихоналарга чиқарилган бўлса, қолган турлари фармацевтика ва озиқ-овқат корхоналарига етказиб берилди. Бироқ, шунга қарамай, доривор ўсимликларни ўзбошимчалик билан йиғиш ҳоллари учраётгани ачинарлидир. Айниқса, жағ-жағ, тоғ райҳони, далачой, отқулоқ, кийикўт, қашқарбеда, етмак, исмалоқ каби ўсимликлар муддатидан олдин йиғиб кетилаётгани, энг ёмони, улар пайҳон қилинаётгани оқибатида табиий кўпайиш имкониятини йўқотмоқда. Бу нафақат шу соҳа мутасаддиларини, балки кенг жамоатчиликни табиат неъматларига нисбатан эътиборлироқ бўлишга ундайди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Юнусали отанинг мўъжизалари

**Гаргар қишлоғини Марҳамат шаҳарчасининг дарвозаси, дейиш мумкин. Ушбу қишлоққа кирсангиз, яшил "девор"га кўзингиз тушади. У қишин-ёзин яшнаб туради. Ҳайратланганча ичкарига кирамиз. Манзарали гулларга шакл бериб ясалган оромкурси кўринишини олган ўриндиқлар сизни бир зум нафас ростлашга чорлайди.**

Ана шундан сўнг Юнусали ота Ғозиевнинг мўъжизалар оламига саёҳат бошланади. Отанинг таъбири билан айтганда, "ғор"га шўнғиймиз. "Ғор" деганимиз сизот сувларини сўриб олгувчи зовур бўлиб, унинг қуйи қисмига қўлбола зинапоялар орқали тушиб борилади. Бу ерда олма шохлари бир-бирига шу қадар чирмашиб ўсганки, жазирама кунларда йўлакка игнанинг тешигичалик нур тушмайди.

**Ибрат**

Яна юқорига ўрмалаймиз. Олмазорли "туннель" бошланди. Юз метрлар чамаси масофадаги ёлғизоёқ йўлдан энгашиб юриш анча қийин кечди. Ниҳоят, ғор тугаб, бошимизни озод кўтарганимизда, кўз олдимизда дарахтлари ипга тизилгандай бодомзор намоён бўлди.

— Бу боғ эни ўн беш, бўйи 186 метрлик зовурнинг тепаликдан иборат тупроғи ўрнида яратилган, — дейди Ю. Ғозиев. — Тупроқни елкалаб зовурнинг нариги қирғоғига ташидим. Текисладим. Кўриб турганингиздек, бинойидай боғ бўлди.

Юнусали ота барпо этган бу хилдаги боғни водийнинг ҳеч бир жойида учратмайсиз. Гап шундаки, у уч қаватли соҳилдан ташкил топган бўлиб, зовурнинг энг баланд қисмида ўриксзор, ўртада пистазор жойлашган. Олмаю ўриклар, бодомлар ботмонлаб мева беряпти.

— Энди зовурнинг нариги қирғоғига ўтамиз, — дея йўл бошлади Юнусали ота.

Одатда зовурларнинг ён бағрида ўт-ўланлар ўсади. Бу ерда манзара тамомила бошқача. Тол, чинор, ёнғоқ, мирзатерак сингари дарахтлар вазмин шовуллайди. Қуйида ўзига хос тарзда тикланган ошхонаю чойхона, ёнбошлаганча ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган чорпоя сув устида чайқалиб турибди.

Ота бизни "амфитеатри"га бошлади. Ажабланарлиси, қалин дарахтлар орасида, зовур устида осилиб турган капани тиклашда биронта темирдан фойдаланилмаган. Аксинча, ўрик, олма, тут дарахтларининг бақувват таналари устун вазифасини ўтаган. Шохлари "девор"га айланиб, ўзгача айвон ҳосил қилган. Оёқ остидаги ёғочлар, ўриндиқлар темирдек мустаҳкамлиги боис ҳеч қандай ҳадикка ўрин қолдирмайди.

Ундан сал наридаги дарахт устидаги "карусель" ақлни шоширади.

— Шу ерда қадрдонлар билан шахмат ўйнашни ёқтираман, — дейди ота.

Шунча йўл босиб, «карусель»га чиқмасак бўлмас. Махсус зинапоялардан юқорига интилдик. Ва, ниҳоят, дарахт тепасидамиз. Остимиздаги зовурга қарашимиз билан кўз тиниб, юрак "шув" этиб кетади. Шундай лаҳзаларда тирик мавжудот улғайгани сайин томирлари ҳам шунчалик чуқур кетишига, яшаш учун ўзига мустаҳкам замин ярата олишига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Юнусали ота яратган бу мўъжизалар аслида Истиқлол неъмати, бунёдкор халқимизнинг изланувчанлик маҳсулидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Изланиш**

*Инсон жонзотларни ҳамиша ўзига дўст тутиб келган. Биров уйида мол, қўй, от боқади, бошқа бировнинг ишқи паррандаларга тушган. Наманган шаҳрининг "Ахсикент" даҳасида яшовчи Қаҳҳоровлар хонадонига кирсангиз, ўзингизни гўё қушлар оламида юргандай ҳис қиласиз. Бу ерда ҳатто гапирадиган тўти ва майналар ҳам бор.*

# Минг қушли хонадон

Ҳовлидаги икки қаватли уйнинг асосий хоналарини банд қилган мингдан зиёд қуш Баҳодирга отаси — Абдужаббор акадан мерос қолган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шаҳардаги зоодўконнинг сотувчиси бўлган бу киши кейинчалик севимли машғулотини уйига кўчиради. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги орнитологлар билан алоқа ўрнатиб, энг ноёб қушларни кўпайтиришга киришади.

Қаҳҳоровлар хонадонида парваришланаётган юздан зиёд турдаги қушларнинг аксарияти мамлакатимиз ташқарисидан олиб келинган. Номлари ҳам турфа: белахоҳли какаду, карелла, жаннат қуши, калифорния беданаси, анча-бунча сўзларни такрорлайдиган ара, жако лақабли тўтилар.

Қушлар табиатан ўрмонлар, боғларда яшашга одатланган. Шу боис уларни хонадон шароитида парваришлаш осон эмас. Айтишларига қараганда, уларнинг қарови билан 14 ёшли Мўминжон шуғулланар экан. Йигитча уларни асал ва сув аралаштирилган нектар, тухум сариғи, мевалар мағизи билан озиқлантиради. Икки йил бўлди, "Ара" лақабли тўтисини сўзлашишга ўргатишга киришди. Ҳаракати зое кетмади: қушча хонадон эшигини тақиллатган меҳмонга "Ким у?", дея жавоб қайтаради. Телефон жиринглаган чоғда эса, "Алло, алло" дейишга тушади. Умуман, уй эгалари доимо ишлатадиган ўнга яқин сўзни ёдлаб олган.

Биз хонадонда бўлган куни бир гуруҳ болалар муаллимлари билан кириб келишди. Улар маҳалладаги 55-мактабнинг ўқувчилари бўлиб, зоология фанидан амалий машғулотларни Қаҳҳоровларнинг ажойиб хонаси — "Қушлар саройи"да ўтказишар экан.

Табиат кўрки бўлган беозор жонзотлар чуғур-чуғуридан завқ олиб, бу имкониятни бошқаларга ҳам илинаётган оилага ҳавасимиз келди.

**Анвар УБАЙДУЛЛАЕВ.**



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

**"Зарафшон" давлат қўриқхонаси шу номдаги дарёнинг ўнг ва сўл соҳилларида 2352 гектар майдонни эгаллаган. Салкам 40 километр масофага чўзилган дарахтзорларда минглаб жониворлар яшайди. Улар орасида "Қизил китоб"га киритилган турлари ҳам талайгина.**

# Соҳилдаги қўриқхона

— Бухоро хонгули — шулардан бири, — дейди қўриқхона директори Амриддин Хўжаев. — Бу ерга 1997 йили 5 та кийик келтирилган эди. Ҳозир уларнинг сони 40 бошга етди. Бухоро хонгулига, айниқса, германиялик табиатшунослар, япониялик биологлар катта қизиқиш билдиришмоқда. Улар қўриқхонада бу жониворларнинг табиий шароитда кўпайишини атрофлича ўргандилар.

Қўриқхона нозири Аъзам Қодиров ва кийикбоқар-назоратчи Олим Ёров бизни қўриқхона бўйлаб саёҳатга чорлади. Хонгули хўрагини кўтариб олган Олим ака чамаси 300 метрча йўл босилгач, кийикларни чорлаб, ҳуштак чалди. Шу лаҳзадаёқ олти-еттита кийик тўқайзордан югуриб чиқди. "Қани, Митти, ёнимга кел-чи, сен эса, Хонгулойим, бу ёққа". Олим ака уларнинг ҳар бирини ўзига хос ном билан атар экан.

— Бухоро хонгули ўта ҳушёр, — дейди у. — Юрган манзилини тоза сақлаб, из қолдирмасликка ҳаракат қилади. Хавф сезса, хавотирли овоз чиқариб, бир-бирини огоҳ этади.

— Совуқ кунлар бошланиши билан тустовуқ кўпаяди, — дея қушлар дунёси ҳақида сўз бошлади нозир. — Ранги ва патлари ниҳоятда чиройли, сувга шўнғиса ял-ял товланадиган тустовуқларнинг "ошиғи" кўп. Уларни ноқонуний овчилардан қўриқлаймиз.

Шу пайт олдимиздан қора қуён ўтиб қолди. Уни тулки таъқиб қилаётган экан.

— Ҳозир ёввойи қуёнлар кўпайган вақт, — дея изоҳ беради ҳамроҳимиз А. Қодиров. — Қўриқхона ҳудудида сувсар, нутрия, қундуз сингари жониворларнинг бари эмин-эркин кўпаймоқда. Эшитаяпсизми? Бу — ёввойи ўрдакнинг хониши. Уларнинг ёнига ғозлар ҳам келиб қўшилган. Ана шу турфа хил қушлар қишни шу ерда ўтказади.

Қўриқхона идораси атрофида икки гектарча майдон ва ички йўлнинг икки четига чинор, арча дарахтлари экилган. Бу дарахтлар кўкка бўй чўзиб, табиий боғга тароват бағишлаб турибди. Бинонинг биринчи қаватида эса музей ташкил этилган.

Мамлакатимизда экоҳаракат, экотуризмни ривожлантиришга, қўриқхоналар, табиий боғлар фаолиятини кенгайтиришга эътибор катта. Булар "Зарафшон"дек қўриқхоналарнинг янада чирой очиши, ундаги ҳайвонлар ва қушлар кўпайишига хизмат қилаётир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Лола учун қасида

**Голландияда лолалар шу қадар эъзозланадики, бу гулга атаб санъат асарлари, қасидалар битилган.**

Унинг янги навлари жуда юқори баҳоланган. Лоланинг битта пиёз боши (XVII асрда) 6 минг гульден турган. Семпер Аугустус нави учун эса ўн уч минг гульден берилган. Янги яратилган лола пиёзига ҳашаматли уй, боғ-роғли жойлар ҳам алмаштирилган. Маълумотларга қараганда, Амстердамнинг "Гоора" кўчасидаги тошдан қурилган иккита кўркам бино атиги уч дона лола пиёз бошига айирбошланган.

**Голландия адмирали Вольберг Германсзен Португалия флотига бошчилик қилаётган Андреа Мендоза устидан ғолиб чиқади. Зафар қучган адмиралга ҳукумат ғалати мукофотни тортиқ этади: бир дона ёнғоқ.**

# Орзулар дарахти

Ёнғоқ ўша замонларда жуда ноёб табиат неъматларидан ҳисобланар эди. Унга эгалик қилиш учун Рим империясининг хоқони, Германия қироли, Венгрия, Богомея қироли, герцоги ва ландграфи унвонига эга бўлган Рудольф II Габсбург адмирал Германсзенга 4 минг олтин дукати (14 килограмм соф олтин) таклиф қилади. Бироқ адмирал оиласи ёнғоқни сотишдан бош тортади.

Гап шундаки, ўша замонларда ёнғоқлар овруполикларга номаълум бўлиб, унинг баъзи намуналари денгиз-океанлар оқимида учраган.




**Ҳайрат**



***Чиябўри туни билан тоғу тошларни изғиб чиқди. Ови бароридан келмади. Очиққан, мадори кетган қашқир қир тепасида чўзилганча олазарак кўзлари билан олис-олисларни кузата бошлади.***

# Қўй ва чиябўри

*Шу пайт қишлоқ томондан қўйнинг маърагани эшитилди. Бу ёқимли овоз унинг иштаҳасини қўзғади. Газанда жон-жаҳди билан ўлжаси томон отилди. Уч-тўрт қир ошгач, ёвшанзорда сурувдан ажралиб қолган уч бош қўйга назари тушиб, уларга ҳужум бошлади. Қўйлар патирлаб қочди, чиябўри ортидан қува бошлади.*

*Орадан анча вақт ўтди. Қўйлар қочишдан, қашқир қувишдан тўхтамади. Шу пайт сайхонликнинг бурилиш жойида қорамоллар подаси кўринди. Тинка-мадори қуриган қўйлар ўзини пода ичига олди. Қорамоллар эса чиябўрини шохлари билан "силаб" сулайтириб ташлади.*

*Ажабо! Қорамоллар ҳимояси билан қўйлар жонини сақлаб қолди. Ўлаксахўр чиябўри эса шум ниятининг "роҳати"ни кўрди.*

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ.**

***Кўп йиллик таҳлилларга таяниб, айтиш мумкинки, Оролбўйи экологиясининг кескин ёмонлашуви ўтган асрнинг 70-йилларида кузатилган. Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмларида обиҳаётнинг нооқилона сарфланиши оқибатида денгизга сув қуйилиши кескин камайиб, ўрмонзорлар қисқара бошлади. Бу халқаро "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг айрим вакиллари бутунлай йўқолишига олиб келгани, айниқса, ачинарлидир.***

# ЭТ БИЛАН ТИРНОҚ

Устюрт кенгликларида бир неча асрлардан буён яйрабяшнаб келган сайғоқ ва жайронлар таҳдидли таъқибга учради. Улар дориворлик хусусиятига эга шохлари учун аёвсиз овланиши натижасида жониворнинг эркаги бутунлай камайиб кетди. Бундай пайтда ҳайвонларнинг табиий кўпайиши ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Сайғоқларнинг кўплаб чўл ўсимликларини ташувчилик, ўсимлик дунёсининг кўпайишида воситачилик ролини инобатга оладиган бўлсак, айни пайтда она табиатга ҳар томонлама зиён келтирилганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида қабул қилинган бир қатор қарорлар, амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бундай нохуш ҳолатларга чек қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг кўплаб қонунлари ва бошқа ҳужжатлари эса атроф-муҳитнинг сезиларли даражада яхшиланишига мустаҳкам замин яратди.

2000 йилда Бухоро шаҳрида Амударё давлат сув ҳавзаси инспекцияси ташкил этилгани ислоҳотларнинг ёрқин самараси бўлди. 2008 йили у Нукусда ихтисослашган Амударё инспекцияси (ИАИ)га айлантирилди. Мазкур инспекциянинг асосий вазифаси йўқолиш хавфи бўлган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишдан иборатдир.

**Назорат**

Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, божхона ва солиқ идоралари билан биргаликда тасдиқланган режа асосида фаолият юритиш ИАИнинг иш самарадорлигини таъминламоқда. Фаолиятимиз давомида Устюрт кенгликларида яшовчи ҳайвонлар, хусусан, сайғоқларнинг яшаш шароити, қишлаши, кўчиб юриш йўналишлари, Амударёда балиқларнинг кўпайиши, ўрмонларнинг ёнғиндан сақланиши ва бошқа масалалар пухта ўрганилиб, бир қатор зарур чоралар белгиланди. "Бадай-тўқай" давлат қўриқхонаси ён-атрофларидаги фермер хўжаликлари вакиллари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аммо қонунбузилишлар ҳамон учрамоқда. Жорий йилда ўтказилган рейдлар натижасида 349 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, 1 миллиард 437 миллион 333 минг сўм жарима солингани бунинг исботидир. Энг ачинарлиси, ўрмонзорларни нобуд қилишда ўрмон хўжалиги ходимларининг ўзлари қатнашаётгани кишини таажжублантиради. Ана шундай ҳолатлар юз беришига йўл қўйган Нукус тумани ўрмон хўжалиги бошлиғи К. Юлдашевга нисбатан тегишли жазо тайинланди, ўрмон ходимлари Ж. Жолдасов ва М. Исаковга 10 миллион 474 минг 140 сўм миқдорида жарима солинди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Давлат божхона ходимлари А. Ерлепесов ва С. Мельниковнинг ҳушёрлиги туфайли Т. Жумабаевнинг қинғирлиги фош этилди. Аниқланишича, ноқонуний овчи қўриқхонада учта жайрон овлаган. Бу хатти-ҳаракати билан табиатга 25 миллион 233,4 минг сўм зарар етказган.

Ҳукуматимизнинг ҳаётбахш қарорлари асосида амалга оширилаётган зарур чора-тадбирлар туфайли кўплаб қонунбузарликларнинг олди олиниб, ноёб ҳайвонларни кўпайтиришга эришилаётгани қувонарли ҳолдир. Масалан, Тахтакўпир ва Мўйноқ туманлари ҳудудида, аниқроғи, Оролнинг қуриган ўрнида тахминан бир ярим минг бош сайғоқ ва жайронлар табиий ҳолда кўпаймоқда.

Бундан ташқари, инспекциямиз ходимлари томонидан 2008-2009 йиллар давомида "Сариқамиш" кўли ёқаларида 10-15 бош тоғ қўчқори (муфлон) галаси кезиб юргани бир неча бор кузатилди. Ҳолбуки, бу ҳайвон кейинги 30 йил мобайнида мамлакатимиз ҳудудида қайд этилмагани, айни пайтда дунёнинг ҳеч қаерида йўқлиги таъкидланаётган эди. Кейинги йилларда кескин камайиб кетган тувалоқ ҳам юртимиз кенгликларида учрамоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда она табиатнинг ажралмас қисми бўлган ҳайвонлар эмин-эркин кўпайиши учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганининг тасдиғидир, албатта.

**Инсон — она-табиат фарзанди. Фарзанд ўз онасига қандай эҳтиром кўрсатса, инсон ҳам табиатни шундай асраб-авайлаши лозим. Зотан, одам табиат билан тирик, деган ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик!**

**Мақсет ҚОСБЕРГЕНОВ,**
**Давлат бионазорати Амударё нозирлиги бошлиғи.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси

телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш юзасидан танловнинг қуйидаги таклифи бўйича буюртмалар учун аризалар қабул қилишни тугаллаш муддати 2009 йил 30 декабргача узайтирилганлигини эълон қилади.

| | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| | Телевидение эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш) | | |
| 6-лот | 34-телевизион канал (частоталар полосалари 574,0 - 528,0 МГц) | 500 Вт | Жиззах шаҳри |

Изоҳ: танлов ўтказиш тўғрисида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида 2009 йил 17 ноябрда (№ 223) эълон берилган.

1338Р/1784

«АГРОБАНК»
AGROBANK
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

компьютер жиҳозлари ҳамда маълумотларни симсиз асосда узатиш тармоғини қуриш жиҳозларини сотиб олишга тендер эълон қилади.



Тендер ҳужжатларини олиш учун Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй манзили бўйича банкнинг Ахборот технологиялари бош бошқармасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 273-25-42, 273-25-15.
Ички телефонлар: 303, 306.

1330Р/1780

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Ижтимоий рағбат» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 15 декабрда Тошкент вилояти, Келес шаҳрида ўтказилган 9-ютуқлар тиражининг

### РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2000000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. Амалиёт бўлими | 030-шохобча | ИР-10 |
| 2 | 1000000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 05-шохобча | ИР-186 |
| 3 | 1000000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-188 |
| 4 | 500000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | ИР-64 |
| 5 | 500000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | 010-махсус касса | ИР-164 |
| 6 | 500000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1742 |
| 7 | 250000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 015-шохобча | ИР-35 |
| 8 | 250000 | Сурхондарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-122 |
| 9 | 250000 | Андижон вилояти | Хўжаобод тумани | Амалиёт бўлими | ИР-23 |
| 10 | 250000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 09-шохобча | ИР-82 |
| 11 | 250000 | Жиззах вилояти | Ғаллаорол филиали | 04-шохобча | ИР-53 |
| 12 | 200000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-467 |
| 13 | 200000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | 047-махсус касса | ИР-41 |
| 14 | 200000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. Амалиёт бўлими | 030-шохобча | ИР-22 |
| 15 | 200000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Махсус касса | ИР-20 |
| 16 | 200000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | «Қораўзак» минибанки | ИР-32 |
| 17 | 200000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Махсус касса | ИР-28 |
| 18 | 200000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 044-шохобча | ИР-37 |
| 19 | 200000 | Андижон вилояти | Куйганёр филиали | 058-шохобча | ИР-71 |
| 20 | 200000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Махсус касса | ИР-23 |
| 21 | 200000 | Сирдарё вилояти | Янгиер шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | ИР-143 |
| 22 | 100000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-75 |
| 23 | 100000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | ИР-2 |
| 24 | 100000 | Жиззах вилояти | Ғаллаорол филиали | 27-шохобча | ИР-32 |
| 25 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | «Ўзбекистон» минибанки | ИР-16 |
| 26 | 100000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 044-шохобча | ИР-20 |
| 27 | 100000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-532 |
| 28 | 100000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1898 |
| 29 | 100000 | Жиззах вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-120 |
| 30 | 100000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Махсус касса | ИР-27 |
| 31 | 100000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1629 |
| 32 | 100000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | ИР-738 |
| 33 | 100000 | Жиззах вилояти | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-202 |
| 34 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 06-шохобча | ИР-11 |
| 35 | 100000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-49 |
| 36 | 100000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 04-шохобча | ИР-47 |
| 37 | 100000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-412 |
| 38 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | ИР-120 |
| 39 | 100000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-336 |
| 40 | 100000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | 02-шохобча | ИР-10 |
| 41 | 100000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-681 |
| 42 | 100000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1098 |
| 43 | 100000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1969 |
| 44 | 100000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-456 |
| 45 | 50000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-11 |
| 46 | 50000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 034-шохобча | ИР-2 |
| 47 | 50000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-80 |
| 48 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-1473 |
| 49 | 50000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 028-шохобча | ИР-4 |
| 50 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-817 |
| 51 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-26 |
| 52 | 50000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-217 |
| 53 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-245 |
| 54 | 50000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-57 |
| 55 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-770 |
| 56 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-771 |
| 57 | 50000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-27 |
| 58 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-415 |
| 59 | 50000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-748 |
| 60 | 50000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-250 |
| 61 | 50000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-331 |
| 62 | 50000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 05-шохобча | ИР-37 |
| 63 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | ИР-278 |
| 64 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-953 |
| 65 | 50000 | Жиззах вилояти | Ғаллаорол филиали | 04-шохобча | ИР-33 |
| 66 | 50000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | Амалиёт бўлими | ИР-20 |
| 67 | 50000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-365 |
| 68 | 50000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-59 |
| 69 | 50000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 014-шохобча | ИР-24 |
| 70 | 50000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-527 |
| 71 | 50000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 05-шохобча | ИР-3 |
| 72 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-385 |
| 73 | 50000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1547 |
| 74 | 50000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 016-шохобча | ИР-6 |
| 75 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | 010-махсус касса | ИР-166 |
| 76 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 05-шохобча | ИР-84 |
| 77 | 25000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 026-шохобча | ИР-39 |
| 78 | 25000 | Сирдарё вилояти | Гулистон филиали | «Бешбулоқ» минибанки | ИР-3 |
| 79 | 25000 | Андижон вилояти | Булоқбоши тумани | 002-сайёр касса | ИР-3 |
| 80 | 25000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 01-шохобча | ИР-1493 |
| 81 | 25000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | ИР-237 |
| 82 | 25000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 02-шохобча | ИР-23 |
| 83 | 25000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | Амалиёт бўлими | ИР-113 |
| 84 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 05-шохобча | ИР-233 |
| 85 | 25000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-81 |
| 86 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-447 |
| 87 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | 010-махсус касса | ИР-55 |
| 88 | 25000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 025-шохобча | ИР-122 |
| 89 | 25000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 014-шохобча | ИР-226 |
| 90 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-373 |
| 91 | 25000 | Жиззах вилояти | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-148 |
| 92 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | 045-махсус касса | ИР-7 |
| 93 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-616 |
| 94 | 25000 | Андижон вилояти | Куйганёр филиали | 048-шохобча | ИР-102 |
| 95 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 015-шохобча | ИР-23 |
| 96 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | Амалиёт бўлими | ИР-75 |
| 97 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-815 |
| 98 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахиатош филиали | 07-шохобча | ИР-2 |
| 99 | 25000 | Сурхондарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-250 |
| 100 | 25000 | Андижон вилояти | Хўжаобод тумани | Амалиёт бўлими | ИР-81 |
| 101 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-1397 |
| 102 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 05-шохобча | ИР-15 |
| 103 | 25000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-1204 |
| 104 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | Амалиёт бўлими | ИР-309 |
| 105 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 022-шохобча | ИР-4 |
| 106 | 25000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-123 |
| 107 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 018-шохобча | ИР-5 |
| 108 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-374 |
| 109 | 25000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 044-шохобча | ИР-3 |
| 110 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | ИР-213 |
| 111 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-1114 |
| 112 | 25000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Вилоят амалиёт бўлими | ИР-799 |
| 113 | 25000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-113 |
| 114 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-349 |
| 115 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | ИР-96 |

**Ҳайъат раиси — Келес тумани ижтимоий иқтисодий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари вазифасини бажарувчи Д. МУХАМЕДОВ**

**Масъул котиб — Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари М. САИДОВ**

1333R/1783

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Пахтакор-2» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 15 декабрда Тошкент вилояти, Келес шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

### РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1000000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-9 |
| 2 | 1000000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-26 |
| 3 | 250000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-2 |
| 4 | 250000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-14 |
| 5 | 250000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | 045-махсус касса | П2-2 |
| 6 | 250000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-48 |
| 7 | 200000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-31 |
| 8 | 200000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-17 |
| 9 | 200000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | «Конимех» минибанки | П2-2 |
| 10 | 200000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-22 |
| 11 | 100000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-8 |
| 12 | 100000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-22 |
| 13 | 100000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-1 |
| 14 | 100000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 028-шохобча | П2-2 |
| 15 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 01-шохобча | П2-2 |
| 16 | 50000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-13 |
| 17 | 50000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 028-шохобча | П2-1 |
| 18 | 50000 | Тошкент шаҳри | Мирзо Улуғбек филиали | Амалиёт бўлими | П2-2 |
| 19 | 50000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-28 |
| 20 | 50000 | Самарқанд вилояти | Пастдарғом филилаи | 042-шохобча | П2-1 |
| 21 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | П2-2 |
| 22 | 25000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-4 |
| 23 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 045-шохобча | П2-3 |
| 24 | 25000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-35 |
| 25 | 25000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-72 |
| 26 | 25000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-11 |
| 27 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | П2-2 |
| 28 | 25000 | Тошкент шаҳри | Мирзо Улуғбек филиали | Амалиёт бўлими | П2-1 |
| 29 | 10000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | П2-5 |
| 30 | 10000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | Амалиёт бўлими | П2-13 |
| 31 | 10000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-9 |
| 32 | 10000 | Андижон вилояти | Избоскан филиали | 031-шохобча | П2-1 |
| 33 | 10000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-38 |
| 34 | 10000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | П2-10 |
| 35 | 10000 | Сирдарё вилояти | Оқолтин тумани | Амалиёт бўлими | П2-1 |
| 36 | 10000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-15 |
| 37 | 10000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-27 |
| 38 | 10000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-56 |
| 39 | 10000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | П2-3 |
| 40 | 10000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-21 |
| 41 | 10000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-33 |
| 42 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 01-шохобча | П2-1 |
| 43 | 10000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-15 |
| 44 | 10000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | 010-махсус касса | П2-1 |
| 45 | 10000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Махсус касса | П2-3 |
| 46 | 10000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | Амалиёт бўлими | П2-8 |
| 47 | 10000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-4 |
| 48 | 10000 | Андижон вилояти | Избоскан филиали | Амалиёт бўлими | П2-3 |
| 49 | 10000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-33 |
| 50 | 10000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | П2-5 |
| 51 | 10000 | Сурхондарё вилояти | Шеробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-1 |
| 52 | 10000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-10 |
| 53 | 10000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | Амалиёт бўлими | П2-1 |
| 54 | 10000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-51 |
| 55 | 10000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | «Конимех» минибанки | П2-3 |
| 56 | 10000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-16 |
| 57 | 5000 | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | П2-6 |
| 58 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-69 |
| 59 | 5000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-20 |
| 60 | 5000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-30 |
| 61 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-45 |
| 62 | 5000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-6 |
| 63 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-21 |
| 64 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | П2-2 |
| 65 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-29 |
| 66 | 5000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | П2-4 |
| 67 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-5 |
| 68 | 5000 | Андижон вилояти | Избоскан филиали | Амалиёт бўлими | П2-2 |
| 69 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | 010-махсус касса | П2-4 |
| 70 | 5000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 19-шохобча | П2-7 |
| 71 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 015-шохобча | П2-1 |
| 72 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-53 |
| 73 | 5000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-1 |
| 74 | 5000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | П2-14 |
| 75 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-29 |
| 76 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-37 |
| 77 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-5 |
| 78 | 5000 | Андижон вилояти | Қўрғонтепа филиали | Амалиёт бўлими | П2-2 |
| 79 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | 045-махсус касса | П2-6 |
| 80 | 5000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | Амалиёт бўлими | П2-5 |
| 81 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 07-шохобча | П2-1 |
| 82 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-61 |
| 83 | 5000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 05-шохобча | П2-11 |
| 84 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-37 |
| 85 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | «Мирбозор» минибанки | П2-8 |
| 86 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-45 |
| 87 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | П2-13 |
| 88 | 5000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | П2-5 |
| 89 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | П2-21 |
| 90 | 5000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | Амалиёт бўлими | П2-2 |

**Ҳайъат раиси — Келес тумани ижтимоий иқтисодий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари вазифасини бажарувчи Д. МУХАМЕДОВ**

**Масъул котиб — Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари М. САИДОВ**

1332R/1783

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 22 декабрь, сешанба куни чиқади.


**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

**2010 йилнинг I чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**САРИЁF, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 28 декабрь соат 17.00 гача.**

1317A/1736


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Алишер Гияситдинович Насретдиновга отаси

**Гияситдин НАСРЕТДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Информацион технологиялар кафедрасининг катта ўқитувчиси Манзура Азизовага волидаси

**МАСТУРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти жамоаси ҳисоб-иқтисод факультети декани Матназар Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**ПОШШОХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 01.00
1 2 3 5